



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 24 июль, № 150 (9321)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАЙЛИК!



ОЧИҚ ВА ОҚИЛОНА СИЁСАТНИНГ БЕҚИЁС САМАРАЛАРИ

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг юксак иқтисодий салоҳияти, иқтисодиёт тармоқларида қўлга киритилган юқори ўсиш кўрсаткичлари халқаро даражада муносиб эътироф этилмоқда. “Fitch Ratings” ва “Moody’s” халқаро рейтинг агентликлари мамлакатимиз суверен кредит рейтингини бир поғона яхшилагани шундай дейишга асос бўла олади. “Fitch Ratings” ҳисоботида қайд этилишича, жаҳондаги ҳозирги инкирозли паллада Ўзбекистон иқтисодиётида юқори ўсиш салоҳиятини сақлаб қолган санокли давлатлардан бири бўлиб турибди. Унинг экспертлари ялиги ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 2026 йилда 6 фоизни, 2027-2028 йилларда эса ўртача 6,4 фоизни ташкил қилади дея баҳоламоқда. Бунинг асосий омиллардан бири сифатида таркибий ўзгаришлар изчил давом эттирилаётгани келтирилади. Яъни оқилон пул-кредит сиёсати юритилиб, хусусийлаштириш жараёни шартлоқлиги таъминланган, бизнес юритиш тобора либераллаштирилмоқда.

Жаҳон банки ҳам Ўзбекистонда ЯИМ ўсишини ижобий баҳолаб, аввал эълон

қилинган прогнозларини янгиллагани эътиборга молик.

Гап шундаки, Жаҳон банки 2026 йилги прогнози 0,4 фоиз бандга — 6,4 фоизгача яхшилаган бўлса, 2027 йилги прогнози 0,8 фоиз бандга — 6,7 фоизгача оширди. Бу қайта қўриб чиқилган прогнозлар Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш динамикаси ўрта муқаддаслиги истикболда аввал қўйилганидан ҳам кучлироқ бўлишини кўрсатмоқда.

Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонда изчил давом эттирилаётган чуқур таркибий ислохотлар, инвестициявий фаоллик, қўлай бизнес муҳити, кредитлашнинг кенгайиши, аҳоли даромадларининг ортиши, энг асосийси, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан юритилаётган очик ва оқилон иқтисодий сиёсат мамлакат иқтисодий тараққиётини янги босқичга кўтармоқда.

Ўз халқининг истикболда эмас, айни замонда — шу бугун фаровон ҳаёт кечириши, дунёнинг энг бахтли ва бой одамлари қаторида бўлишини истаган Миллат етакчиси бугунги натижалар билан чекланиб қолмасдан, янада улкан мақсад ва вазир

Эътироф Жаҳон иқтисодиётида сақланиб турган беқарорлик ҳамда глобал молия бозорларидаги ноаниқликларга қарамадан кейинги йилларда Ўзбекистонда макроиқтисодий кўрсаткичлар муттасил яхшиланиб, барқарор ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Хусусан, 2026 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиёти 8,5 фоиз ўсди. Бунда саноатда 8 фоиз, хизматлар соҳасида — 16,9, қурилишда — 13,8, қишлоқ хўжалигида 4,7 фоиз ўсиш таъминлангани муҳим омил бўлди.

Шу билан бирга, инвестициялар ҳажми 28 млрд. долларга, экспорт эса 14,4 млрд. долларга етдики, бу глобал иқтисодий ўсиш секинлашган ҳозирги мураккаб шароитда жаҳон ҳамжамияти Янги Ўзбекистонни ишончли савдо-сармоявий ҳамкор сифатида тан олганининг ёрқин ифодасидир.



фаларни илгари сурмоқда. Яъни давлатимиз раҳбари 40 миллионли аҳоли турмушини бундан яхшилаш учун жорий йилнинг ўзида 9-10 фоизли иқтисодий ўсишни таъминлаш, бунинг учун мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, ҳар бир лойиҳа бўйича аниқ натижага ишлаш зарурлигини кўрсатиб берди. Узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ортга қайтмас ушбу ҳаётий ислохотлар Янги Ўзбекистоннинг нури келажаги, халқимиз турмуш фаровонлиги учун мустақам пойдевор бўлади, албатта.

«Халқ сўзи».

Сенат қўмитасида

СУВ ТЕКИН ЭМАС, ЭНДИ УНИНГ ҲИСОБИ ЮРИТИЛАДИ



Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлисида ветеринария соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш, сув ресурсларидан оқилон фойдаланиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Хусусан, “Давлат ветеринария назорати такомиллаштирилиши муносабати билан “Ветеринария тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун давлат ветеринария назорати тизимини янада такомиллаштириш, миллий қўнунчиликни Жаҳон савдо ташкилотининг Санитария ва фитосанитария чоралари тўғрисидаги битими ҳамда Жаҳон ҳайвонлар соғлиги ташки-

лотининг халқаро кодекслари талабларига уйғунлаштиришга қаратилган.

Бундан ташқари, қонунда ветеринария тadbирларини амалга оширишда ҳайвонлар касалликларининг олдини олиш муҳимлиги, профилактика тadbирларининг даволлаш чораларига нисбатан устувор қўлланилиши, ветеринария назоратидаги товарлар хавфсизлигини таъминлашга оид нормалар мустақамланмоқда.



МЕХНАТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ИЛК БОР АКС ЭТАЁТГАН ТУШУНЧА

Олий Мажлис Сенати Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг мажлисида “Халқаро меҳнат стандартлари миллий қонунчиликка имплементация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда қўриб чиқилди.

Муҳокамада таъкидланганидек, эндиликда иш ва машғулотлар пайти шахсни камситувчи белгилар қаторига “терисининг ранги” ҳамда “сиёсий қарашлари” каби тушунчалар ҳам қўшилмоқда.

Шунингдек, Меҳнат кодекси янги 81-модда билан тўлдирилиб, меҳнат ва машғулотлар давомида шахвоний шилқимликка

йўл қўймасликнинг ҳуқуқий асослари белгиланмоқда.

Ушбу янги норма билан иш жойида “шахвоний шилқимлик” тушунчаси илк бор меҳнат қонунчилигида ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлангани ва иш берувчилар зиммасига меҳнат жамоасида шахвоний шилқимликдан холи хавфсиз меҳнат муҳитини яратиш мажбуриятини юклайди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МУҲИМ ТАКЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси томонидан Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг “Ўқилги-энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда беҳуда сарфланишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.



Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда ўқилги-энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, энергия ресурсларини тежаш ва улардан оқилон фойдаланишни таъминлаш, соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Инспекция томонидан жойларда 11 374 та профилактика тadbир ўтказилган. Урганишлар давомида 4 301 та ностандарт газ жиҳозлари аниқланиб, уларнинг стандарт газ жиҳозларига алмаштирилиши таъминланган. Бунинг натижасида 2 348,1 минг кубометр табиий газ иқтисод қилинган.

Шунингдек, 1 641 та объектдаги қурилмалар тегшли қуриқлардан ўтказилган. Аниқланган масалаларнинг аксарияти бартараф этилиши натижасида эса 308 та авариянинг олди олинган, қурилма ва тармоқлардаги 1,05 млн. кВт/соат технологик йўқотишлар қамайтирилишига эришилган.

Эшитув давомида депутатлар томонидан соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси, давлат назоратининг самарадорлиги, энергия ресурсларини ҳисобга олиш ва улардан оқилон фойдаланиш тизими, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда масъул идоралар фаолияти натижадорлиги атрофида муҳокама қилинди.

Соҳада мавжуд тизимли муаммоларнинг сабаблари, уларни бартараф этиш бўйича амалий чоралар ҳамда қонунчиликни янада такомиллаштиришга доир тақлифлар қўриб чиқилди.

Қўмита эшитиш доирасида билдирилган тақлиф ва тавсиялар соҳадаги ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, давлат назорати механизмларини замонавий талаблар асосида ривожлантириш, энергия ресурсларининг самарали ҳисобини юритиш ва улардан оқилон фойдаланишга қаратилган ислохотларнинг изчил давом эттирилишига хизмат қилиши таъкидланди.

Яқунда кун тартибидagi масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.


ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ ВА ЁШЛАР — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси ташаббуси билан “Фан-таълим, спорт ва маданият соҳаларини тартибга солуви ҳуқуқий асосларининг такомиллашуви ва бунда парламентнинг ўрни” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Мамлакатимизда илм-фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар соҳаларида ислохотлар изчил рўйбга чиқарилмоқда. Янги тахрирдаги Конституция, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси, шунингдек, соҳаларга оид қонунлар ва Президент ҳужжатлари бу жараёнларга мустақам ҳуқуқий замин яратди.



ДАРЁДИЛ (Достон)



3-саҳифага қаранг.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ



Мамлакатларнинг қудрати ҳақида гап кетганда, одатда иқтисодий ўсиш, замонавий технологиялар, саноат, ҳарбий салоҳият ёки улкан қурилишлар тилга олинади. Булар, албатта, давлат тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидир. Аммо ҳар қандай моддий юксалишининг илдизи кўзга кўринмайдиган яна бир беқиёс бойликка — миллатнинг маънавий қудратига бориб тақалади.

Нигоҳ

Маънавий қудрат эса тасодифан пайдо бўлмайди. У асрлар давомида шакланган миллий хотира, маърифат, тафаккур ва китоб билан камол топади.

Дарҳақиқат, китоб — инсон билимини бойитадиган воситагина эмас. У миллатнинг хотира, халқ виждони, даврлар ўртасидаги маънавий кўприкидир. Китоб ўқилган жамиятда фикр яшайди. Фикр яшаган жамиятда эса тараққиёт тўхтамайди.

Давлатимиз раҳбари “Ёшларда болалик чоғидан китобга меҳр уйғотиш, мустақил фикр

ва кенг дунёқарошни шакллантириш уларнинг ҳаёт йўлларида мустақам замин бўлади”, дея бежиз таъкидламаган. Зеро, китоб инсонга фақат маълумот эмас, дунёқарош беради. У воқеалар ортидаги маънони англашга, ҳақиқатни ёлғондан, эзгуликни ёвузликдан ажратишга ўргатади. Шу боис китобхонлик даражаси юксак халқнинг маънавий имунитети ҳам мустақам бўлади. Бу-

гун Янги Ўзбекистонда китобхонлики давлат сиёсати даражасига кўтариш ортида ҳам ана шундай чуқур фалсафа муҳасам.

Тафаккур китоб билан шаклланади дедик. Шу маънода, ҳар бир янги кутубхона миллат келажагига йўналтирилган сармоядир. Зотан, китоб ўқиб, етук билимни, мустақил фикрли, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган инсон бўлиб камолга етган навқирон авлод, шубҳасиз, буюк келажақни барпо этади.

Янги Ўзбекистоннинг бугунги қудрати нафақат кенг қўламли бунёдкорликларда, жаҳонда ўз сўзи ва ўрнига эга бўлиб бораётганида, балки маърифатни юксак қадрлайдиган, китобни ҳаёт эҳтиёжи деб биладиган жамиятни барпо қилаётганидадир. Бундай жамиятни ҳеч бир гайир куч ўз танлаган йўлидан қайтаролмайди, пароканда этолмайди. Илгор тафаккурли халқ, албатта, ўз мақсад-муддасига етади.



Заҳид РАФИҚ: ЎЗБЕКИСТОН — МИНТАҚАДАГИ ЕТАКЧИ ИҚТИСОДИЙ ВА ИНВЕСТИЦИЯ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида Покистоннинг йирик саноат ва инвестиция компанияларидан бири — “HRL Group” бошқаруви раиси Заҳид Рафиқ “Дунё” АА мухбирига эксклюзив интервью берди.

Интервью

— Бу йил Янги Ўзбекистонда кенг қўламли ислохотлар бошланганининг ўн йиллиги нишонланмоқда. Сиз ушбу ўн йиллик янгиланган жараён натижаларини қандай баҳолайсиз ва мамлакатда амалга оширилган энг муҳим ўзгаришлар сифатида нималарни айтасиз?

— Сўнгги ўн йил давомида Янги Ўзбекистон халқаро бизнес ҳамжамияти эътиборини торган улкан ва таъсирчан ўзгаришларни амалга оширди. Ислохотлар иқтисодиётни модернизация қилди, давлат институтларини мустақамлади, инвестиция муҳитини янада яхшилади, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун очиклик ва шаффофликни таъминлади. Бу жараён Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтириб, уни Марказий Осиёнинг энг жадал ривожланаётган ва истикболли иқтисодиётларидан бирига айлантирди. Мамлакатнинг иқтисодий либераллашуви, инфратузилмани ривожлантириш ва хусусий секторни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсати барқарор тараққиёт учун мустақам пойдевор яратди.

Энг катта ютуқлардан бири — Ўзбекистоннинг иқтисодий исло-

хотларни минтақавий ҳамкорлик ва халқаро интеграцияга қаратилган узоқни кўзловчи сиёсат билан уйғунлаштириш олгани.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш, инновацияларни рағбатлантириш ва ташқи савдонини кенгайтиришга қаратилган сиёсат Покистон ва бошқа давлатлар компаниялари учун янги имкониятларни очди.

Ишонаманки, сўнгги ўн йилдаги ютуқлар фақат бошланиши. Ўзбекистон Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи етакчи иқтисодий ва инвестиция марказларидан бирига айланади.

Ушбу вақт мобайнида Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада кучайди. Ушбу шериклиқнинг қайси натижаларини энг муваффақиятли деб ҳисоблайсиз ва келгусида қайси қўшма лойиҳалар ёки ҳамкорлик йўналишлари устувор бўлиши лозим?

— Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги муносабатлар кучли сиёсий ирода ва минтақанинг фаровонлигига қаратилган умумий ёндашув асосида сезиларли даражада мустақамланади. Савдо, инвестициялар, инфратузилма, логистика ҳамда бизнес субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик жадал ривожлани.





Биринчи қисм

Ранжу аламлардан безган замин мусаффо тонгни қаршилаётган чоғлар эди. Бу маҳалда улугвор тоғлар теран сукутга чўмган, тошлар минг йиллик сабру тоқат ихтиёрида мовий осмонга умид ила боқарди. Айни лаҳзаларда ер бағрида бир томчи кўз очди. У — митти бир жон, яшашга ошуфта, ҳаётда ўз йўлини изларди.

Шу тариқа томчининг узоқ ва машаққатларга бой умр йўли бошланди. Аввалига у ёлғиз эди, сўнг унга бошқа томчилар ҳам йўлдош бўлди. Улар кундан-кунга бир-бирини топиб, бир-бирига суяниб, кичик бир жилгага айланишди.

Ҳа, ирмоқнинг яралиши осон кечмади. Томчилар бу йўлда неча-неча қояларга урилди, азим ва бешафқат тошларга дуч келди, тик жарликлардан кулади. Бироқ кўзлаган манзили сари дадил бораверди, ҳеч қачон ортга қайрилгани йўқ. Чунки улар ҳаётнинг маъноси ҳаракат ва чидамда эканини яхши биларди...

Қалбига жо этди йиллар ҳасратин,
Азалий тақдирнинг сўнмас заҳматин.

Солиб тошлар ичра ҳаяжон, титроқ,
Тоғларнинг бағрида тугиди ирмоқ.

Жўр бўлди яшамоқ қасидасига,
Шони-шарфига, нашидасига.

У билмас, олдинда не-не йўллар бор,
Чўнг тошлар, қоялар, тўсиқлар бисёр.

Кўндир ўзанларни бурғувчилар ҳам,
Бемақсад, хом ҳаёӣ сурғувчилар ҳам.

Шом ўтиб, уйғонар неча бор тонглар,
Гоҳида гул тутиб, тўқар ҳазонлар.

Ёмғиру қорларни кечиргай бошдан,
Лек тинмай жилдираб шошгани шошган.

Шамолу бўрон ҳам қолмас изидан,
Сўлғинлик сезилмас ранглар юзидан.

Шаффофлик бағрида бор вужуди пок,
Дам келар гоҳ кувноқ, гоҳида ғамнок.

Манзиллар олисдир, йўллар бешафқат,
Етарми бу йўлда бардошу тоқат?

Олдинда дарёю денгизлар чорлар,
Осмонда умидвор юлдузлар порлар.

Яралиш кўйида қийналганда жон,
Бир қайғу келарди бешараф, бешон.

Дилига умрлик дардни солди у,
Жудолик қошида маҳзун қолди у.

Йўқотди бир зумда йўғу борини,
Еру кўк тингламас энди зорини...

Аммо мақсадларга бериб куч-чидам,
Йўлда давом этар не бўлганда ҳам...

Ваҳший қояларни писанд этмас у,
Бу илнж кўйида нолон кетмас у.

Борадир баҳору кузлар оралаб,
Қишлару ёшларни аста алмалаб.

Ҳаёт деганлари ҳаракат билан,
Кўнгилга нур сочгай баракат билан.

Ким йўлдан қайтмаса, сўнмаса шашти,
Олий унвон билса агар яшаини,

Умрлар ичида умр қурадир,
Давронлар ичида даврон сурадир.

Қолгани бекор ғап, қолгани рўё,
Бунн неча бора ҳақ этмиш дунё.

Ирмоқнинг матлаби тоғлардан нари,
Юксаклик ишқида интилишлари.

ДАРЁДИЛ

(Достон)

Худо менга соғлиқ бериб, умр берса, бизда камбағаллик ва ишсизлик бўлмайди. Нимага десангиз, бунга мен етти йил умримни тикдим.

Тизим яратдим, қонун яратдим, дунёни очиб бердим.

Халқим яхши яшасин, ниятлари амалга ошсин, болалари бахтли бўлсин, неваралари соғлом тувилсин, мактаби ишласин, йўллари равон бўлсин деб ишга келдим...

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Аммо, демишларки улуглар абас:
Ёлғиз отнинг донғи, чанги ҳам чиқмас.

У энди дўст топар ўзидек дилғир,
Ўзидек умидли, ўзидек олғир.

Сўнгра ошаверар доволардан ҳам,
Боғлару роғлардан ёбонлардан ҳам.

Қисматнинг қилгани турфа, минг кордир,
Бу йўлларда дўсту душман ҳам бордир.

Тўсиқлар олдини тўсар дам-бадам,
Тошларнинг иши шу... Қолади мубҳам.

Умрнинг шундайин рўёлари кўп,
Кирдиқори кўндир, риёлари кўп.

Йўқ, уларга боқмас, олдинга елар,
Шу маҳал қайдандир бир садо келар...

Иккинчи қисм

Чиндан ҳам, шу маҳал қайдандир ирмоқнинг орзулари ва ниятларига эш бўлган, уни фақат ва фақат олға чорлайдиган бир сирли овоз эшитилди.

У аввалига бу умидбахш нидо қаердан келаётганини англолмади, фақат бор вужуди қулоққа айланиб уни тинглайверди.

Бу асрор тўла садода ирмоққа олис манзилларнинг ойдинлиги, дарёга айланишнинг умрбоқийликка татийдиган лаззати ҳамда ҳаёт мазмунини топиш йўлидаги ҳаракатлар бе-самар кетмаслигига улкан ишонч бор эди...

Ким зулмат асири, ким нурга ошиқ,
Ҳаёт тимсолидир кўзу қорачиқ,
Боравер, йўлларинг нурафшон, очиқ,
Сен уларга боқма, тўхтама, ирмоқ!

Орзуларинг холис, умидлар дуркун,
Оловга айланар ҳаттоки учқун,
Мушкулларинг осон бўлажак бир кун,
Сен уларга боқма, тўхтама, ирмоқ!

Борлигинг йўғрилган обиҳаётдир,
Эзгулик асида сенга қанотдир,
Шаитинг қудрати ҳам ҳаддан зиёддир,
Сен уларга боқма, тўхтама, ирмоқ!

Не ажаб, учраса ногаҳон хаслар,
Қалбингда не кечар, асло билмаслар,
Оҳ, сенга елкадош, ҳамроҳ бўлмаслар,
Сен уларга боқма, тўхтама, ирмоқ!

Толедан кутмағил мушкулсиз роҳат,
Қалбингда гулласин бардошу тоқат,
Топгайсан, албатта, бир кун фароғат,
Сен уларга боқма, тўхтама, ирмоқ!

Дунё деганлари шундай пўртана,
Ташвиш келтиради мудом жўртага,
Жонингни бекорга, қўйгин, ўртама,
Сен уларга боқма, тўхтама, ирмоқ!

Улуг дарёларга интил ҳамиша,
Уларнинг йўлини йўл бил ҳамиша,

Уйна, яша, тошгин ва кул ҳамиша,
Сен уларга боқма, тўхтама, ирмоқ!

Тунлар зулматидан ҳайиқма асло,
Тошлар миннатидан ҳайиқма асло,
Келар кулфатидан ҳайиқма асло,
Сен уларга боқма, тўхтама, ирмоқ!

Софликнинг бетакрор тимсолидирсан,
Орзуларнинг мовий ҳаёлидирсан,
Яшашнинг энг гўзал мисолидирсан,
Сен уларга боқма, тўхтама, ирмоқ!

Бахту фараҳбахилик шони ўзингсан,
Яшнаган боғларнинг қони ўзингсан,
Умидвор дов-дарахт жони ўзингсан,
Сен уларга боқма, тўхтама, ирмоқ!

Қисмат китобини ўқиб бетма-бет,
Олга юр, энг гўзал маъволарга ет,
Дейманки, давом эт, йўлда давом эт,
Сен уларга боқма, тўхтама, ирмоқ!

Учинчи қисм

Ирмоқларни нимага ёхуд кимгадир ўхшатиш керак бўлса, кўплаб тимсолларни мисол келтириш мумкин. Дейлик, умид ирмоқлари, ишонч ирмоқлари, эзгулик ирмоқлари, ҳис-туйғулар ирмоқлари...

Ҳақиқатан, санаб адоғига етиш мушкул. Асосийси эса уларнинг бари тошқин, жўшқинликка бой...

Бугун она Ватанимнинг ирмоқларига назар солиб, ич-ичимдан фаҳр туйдим, шодландим. Улар бошдан кечирган ташвишлар, йўлларига ғов бўлган неча-неча қоятошлар ҳам эсимга тушди. Ҳа, бу кунларга етиб келиш осон бўлгани йўқ, улар бирлашиб азим дарёга айлангунича не-не ғамлар чекмади, аччиқ оғриқларга рўбарў келмади, ташвишлар остида қолмади. Бироқ ёлғиз тасалли шуки, улар шу пайтгача етиб келган даража ўзлари ўйлаганидан анча юксакда...

Заминнинг орзуманд булоқларидан,
Сув ичиб, бир ёруғ ҳаёӣ суражак.
Халқим бу умидбахш ирмоқларидан,
Дарё отлиг жўшқин Ватан қуражак!

Не-не доволардан омон ўтолган,
Қиррадор тошларга беролгандир кап.
Унинг юрагига оғриқлар солган,
Қийинчилик ичра кечган рўзи-шаб.

Ташвиш келганида солиб урғо-ур,
Қайғулар ўзини қилганида фош,
Бахш этди кўнгилга туганмас сурур,
Бера олди не-не азобларга дош.

Ҳаётнинг синови кўп эрур муқим,
Қўрқмади умрнинг ёлгон, ростидан.
Оқиб ўтаверди доим сокин, жим,
Бераҳм тошларнинг оёқ остидан...

Энди кўринг қайтмас ишжоатини,
Ҳар қандай тошини ҳам ёрман, дейди.

Ёд айлаб улуглар матонатини,
Ўзанлар йўлидан бораман, дейди.

Уқди ҳар ким бугун дил хатларингни,
Бу асрий қоялар сўнг бўлсин, ирмоқ.
Асрагин покиза ниятларингни,
Йўларинг ҳамиша ўнг бўлсин, ирмоқ.

Кун келар...
Бу тотли кунлардан узоқ,
Ўшанда кўз ёриб кўнгил қатидан,
Не-не жилғаларга берарсан сабоқ,
Дарёга айланмоқ саодатидан!

Тўртинчи қисм

Ниҳоят, ирмоқлардаги шиддат, интилиш, эзгулик уларни дарёга айлантирди. Бу азим кучнинг вужудида тоғлардан эриган қорлар мусаффолиги, булоқлар поклиги, замин баракаси мужассам. У қаердан ўтса, ўша ерда ҳаёт уйғонади.

Кеча қумлар тўзиб юрган сахроларда бугун яшиллик бош кўтаради. Қакраб ётган майсалар томирларига жон киради. Қуриш арафасида турган гиёҳлар яна нафас олади. Дарахтлар унинг сувидан куч олиб, осмонга интилган шохларини кенг ёзади. Дарё ўтган жойлар атрофида қишлоқлар қад ростлайди. Қишлоқлар ортидан шаҳарлар пайдо бўлади. Боғлар, майдонлар, мактаблар, кутубхоналар қад кўтаради.

Дарё энди фақат соҳилларни эмас, бутун атрофни сугоради. Ва ниҳоят... у денгизларгача етиб боради. Улкан сувлар билан учрашади. Океанлар бағридан жой олади. Яшиллик ҳеч қачон йўқолмаганидек, эзгулик йўлида оққан дарё ҳам ҳеч қачон исзис йўқолмайди. У абадитга айланади...

Кўнгли кўнгиллардан айро бўлолмас,
Ўзича бир олам, дунё бўлолмас,
Шовуллаб, кўтириб оқиши мумкин,
Бунда ҳар кимса ҳам дарё бўлолмас.

Дарёлик — яшнатмоқ, гуллатмоқ асли,
У билан баҳордир умр ҳар фасли,
Чаманлар жонига оро киргазган,
Сахролар у келса бўлади таслим.

Йўллар гоҳ суронли, гоҳ тўфонлидир,
Аммоки ҳамиша шараф-шонлидир,
Дарё давом этар жўшқин, тўхтамас,
Ҳар лаҳзаси бахт тўла, имконлидир.

У етган жойларда гурқулар тупроқ,
Новдалар уйғониб ёзади япроқ,
Ўзгача либосга бурканар очун,
Ҳаёт нафасидан иодланар ҳар ёқ.

Нур олган ўзига нур бисотидан,
Ҳар томчи ҳаётбахш унинг қатида,
Шомлардан тонгларга етар барибир,
Матонат, садақат бор тоқатида.

Жилғалар қўшиғи етганда тобга,
Жилмайиб боқади гулгун офтобга,



Дарёдил дарёдай шошади ҳар дам,
Борлигин бағишлаб яшар иштобга.

Кўчалар кўрк олган у солган авждан,
Эзгулик елкалаб оққан ҳар мавҷдан,
Оламда бошқа бир азизи йўқдир,
Авайлар уларни ташвишу ранждан.

У билан яшнайди қишлоғу шаҳар,
Қўшиғин куйласа шарқироқ ағар,
Неча-неча жонга жон бағишлаган,
Дарёдир ҳар лаҳза бунда музаффар.

Яшар бахт, омади кулганда дунё,
Битар сабр гули сўлганда дунё,
Янада гўзалроқ бўлажак албат,
Қалби дарёларга тўлеанда дунё.

Эсмасин қисматда ёвуз еллари,
Жўшқинликка тўлсин ою йиллари,
Тиламан ҳамиша: мангу бор бўлсин,
Муқаддас юртимнинг дарёдиллари!

Бешинчи қисм

Бугун жонажон Ватанимизни обод қилишга, шу юртнинг гуллаб-яшнашига умрини бағишлаган ҳазрати инсонни ана шу азим дарёга ўхшатгим келди. Элу юрт тақдирига ўзини бағишлаган инсоннинг дарёдай бетиним шиддаткор ҳаётини, дарёдиллигини эътироф этмай бўладими?!

Унинг улугворлиги, дарёдиллиги — кучли бўла туриб вайрон қилмаслик, қудратли бўла туриб меҳрибон қолиш, ишжоатли бўла туриб, раҳм-шафқатни унутмаслик... Борлик унга ҳайрат билан қарайди. Тоғлар унинг матонатига тан беради. Ўрмонлар унинг саховатидан баҳра олади. Қушлар унинг соҳилларида қўшиқ айтади. Хатто сахро шамоллари ҳам унинг саботини кўриб, лаҳзага жим қолади. Дарёдилнинг ҳар бир қадами яшаш ҳақидаги қўшиқдир. Унинг атрофидаги ҳар бир гиёҳ, ҳар бир дарахт, ҳар бир қуш ва ҳар бир инсон қалбида яшашга иштиёқ янада кучаяди.

У денгизларга қуйилганда уларнинг сувига фақат ҳажм эмас, маъно ҳам кўшади. Океанларга етиб борганда уларнинг бағрига эзгуликларни, яшаш завқини ҳам олиб киради. Чунки поклик ҳар қандай буюкликдан устун. Дарёдил нафаси етган жойда яшиллик, тинчлик, ҳамкорлик қарор топади, инсоният олам ичра ўз истиқболи учун муносиб куч-қудратга эга бўлади.

Дунё шундай талатўн, ҳаёт шундай сир экан,
Масофалар узоқдир, битмайди суронли йўл,
Яшнатмоқнинг ишқида яшайди бир дарёдил,
Бир дарёдил одамки, Ватан деган, халқ деган!

Бунда ниятлар олий, бунда мақсадлар улкан,
Энг улуг доволарни мудом кўзлаб борар у,
Меҳру муҳаббатини қалба сўзлаб борар у,
Бир дарёдил одамки, Ватан деган, халқ деган!

Жўшқин-жўшқин ҳисларга юраги лим-лим тўлган,
Ҳаётини айлarkan ҳар зум яшанашга ёрлар,
Ирмоғу жилғаларни мудом бағрига чорлар,
Бир дарёдил одамки, Ватан деган, халқ деган!

Ҳаёт нашидасини энг азиз тўхфа билган,
Қунари ўтаётир тинчлигу ҳиммат ичра,
Ҳар замон яшагуви меҳнату заҳмат ичра,
Бир дарёдил одамки, Ватан деган, халқ деган!

Асрлар оша сузар эзгулик номли елкан,
Яшар ҳар битта йили тенгдир катта замонга,
Нафаси сурур берган она Ўзбекистонга,
Бир дарёдил одамки, Ватан деган, халқ деган!

Илло, йўларинг ойдин, бахту омадинг кулган,
Масрурлигинг бардавом, тинччиинг ҳам бардавом,
Шундай дарёдил бўлсин халқим бошида мудом,
Бир дарёдил одамки, Ватан деган, халқ деган!

Ўткир РАҲМАТ.

СУВ ТЕКИН ЭМАС, ЭНДИ УНИНГ ҲИСОБИ ЮРИТИЛАДИ



“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун билан эса сувларнинг давлат ҳисобини юритиш, сув ҳўжалиги объектлари ва гидротехника иншоотларидан фойдаланиш қондаларини бузганлик учун ҳуқуқбузарликни содир этган бевосита масъул шахсларга нисбатан жавобгарлик қўллаш назарда тутиляпти. Шу билан бирга, оқова сувларни чиқариш тармоқларидан фойдаланиш қондаларини бузганлик учун санкцияларни ошириш ҳамда тақоррий ҳуқуқбузарликлар учун қучайтирилган жавобгарлик қораларини белгилаш тақлиф қилинмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига

ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунда яроқлилик муддати ўтган, шунингдек, ишлаб чиқарилган ҳафса ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ҳамда сотиш мақсадида қабул қилиш учун жавобгарлик қораларини қучайтириш назарда тутилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, қонун қабул қилиниши истеъмолчилар ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоя этиш, ҳафсиз озиқ-овқат маҳсулотлари айланмасини таъминлаш ҳамда инсон саломатлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Мажлис якунида қўрилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ИЛК БОР АКС ЭТАЁТГАН ТУШУНЧА



Мажлисда мазкур қонуннинг халқаро амалиётга мувофиқлиги алоҳида қайд этилди. Хусусан, АКШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Дания, Финляндия, Норвегия, Ирландия, Португалия, Бельгия, Греция, Хорватия, Словакия, Словения, Латвия, Руминия, Болгария, Мексика, Чили, Уругвай, Беларусь, Россия, Қирғизистон, Грузия, Озарбайжон, Жанубий Африка Республикаси қонунчилиги ўрганилгани, аксарият давлатларда меҳнат муносабатларида шахвоний шилқимликка қарши самарали ҳуқуқий механизмлар мавжудлиги таъкидланди.

Сенаторларнинг фикрича, қонун меҳнат соҳасида барча фуқаролар учун тенг имкониятлар яратишга, ҳар қандай кўринишдаги камситишларнинг олдини олишга ҳамда фуқароларнинг қафолатланган меҳнат ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Муҳокама якунида ушбу қонун Сенат яппи мажлисида қўриб чиқиш учун тавсия этилди.

ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛДИ

Хитой камбағаллиқни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш йўналишида бой тажрибага эга бўлган дунёдаги етакчи давлатлардан бири ҳисобланади.

Ҳамкорлик

Албатта, бу мақсадга эришиш йўлида Хитой ҳуқуқмати кўп дастурлар ишлаб чиққан. Мамлакатнинг энг чекка ҳудудларига замонавий йўллар, электр линиялари ва коммуникацияларни қуриш, транспорт таъминоти яхшилаш, миллионлаб одамларни шаорити қийин жойлардан қучириш, субсидиялар ажратиш, бизнесга йўл очиб, қишлоқ жойларида янги иш ўринлари яратиш кабилар ана шулар жумласидан.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси делегацияси Хитой Халқ Республикасининг камбағаллиқни қисқартириш ва қишлоқларни модернизация қилиш борасидаги тажрибасини ўрганиш учун ушбу мамлакатда бўлди.

Хусусан, сенаторлар Кобул Турсунов ва Сайёра Абдиқаримова Аньхой музофотида аҳоли бандлигини таъминлаш, қуёш панеллардан орқали қўшимча даромад манбаи яратиш, агротуризм, касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар, шунингдек, маҳсулотларни қафолатли сотиш тизими билан танишди.

Делегация аъзолари қатор самарали учрашувлар ҳам ўтказди. Жумладан, Хитой халқининг хорихий мамлакатлар билан дўстлик жамияти (CPAFCF) рақбарияти иштирокидаги музокаралар чоғида халқ дипломатияси, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва парламентларо қамкорлиқни янада ривожлантириш масалалари муҳокама марказида бўлди.

«Халқ сўзи».

КОРРУПЦИЯГА ҚЎШИМЧА КУРАШИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов Сергели туманида жиноятчиликнинг олдини олиш, коррупцияга қарши курашиш ҳамда яширин иқтисодиётни қисқартириш йўналишида амалга оширилаётган ишларни ўрганди.

Сенатор ва ҳаёт

Жумладан, Сергели автомобиль бозорида рақамлаштириш жараёнилари, ситуацион марказ фаолияти, онлайн назорат механизми, электрон тўлов тизимининг самарадорлиги, тадбиркорлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар билан танишилди.

Қайд этилганидек, “Рақамли автомобиль бозори” дастури доирасида бозорнинг 6 та кириш-чиқиш дарвозаси “ақлли” шлагбаумлар ва маҳаллий ишлаб чиқарилган “ParkinBox” тўлов қўрилмалари билан жиҳозланган. Дастур тако-

миллаштирилиши натижасида фойдаланувчилар учун QR-код орқали олдиндан тўловни амалга ошириш имконияти яратилган. Шунингдек, белгиланган тариф асосида бир марта тўловни амалга оширган фойдаланувчиларга кун давомида бозор ҳудудида қўшимча тўловсиз кириб-чиқиш имконияти йўлга қўйилган.

Шундан сўнг ишчи ғуруҳ Сўғдиёна ва Қут Барака маҳаллаларида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жамоат ҳафсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Маҳаллалардаги криминоген вазият, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш қоралари,

профилактика инспекторлари ҳамда “маҳалла еттилиги”нинг ўзаро ҳамкорлиги ва манзилли ишлаш самарадорлиги муҳокама қилинди.

Қут Барака маҳалласида оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оила учун маҳалла ташаббуси, Божхона қўмитаси ва ҳомийлар кўмағида барпо этилаётган янги ўй қурилиши жараёни ҳам кўздан кечирилди.

Ўрганишлар якунида жиноятчиликнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш, давлат органлари ҳамда маҳалла институтлари ўртасидаги ҳамкорликни қучайтириш, шунингдек, эҳтиёжманд оилаларни манзилли қўллаб-қувватлаш, муносиб турмуш шароитларини яратиш, камбағаллиқни қисқартириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш юзасидан масъулларга тегишли тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТ — АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР, СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ АСОСИ

янада қулай шароитлар яратишга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА, депутат:

— Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган устувор

вазифалар ҳар бир депутат зиммасига ҳам қатъий таъминлаш таъминоти қўлайди. Бугунги кунда асосий мақсадимиз —

қабул қилинаётган қарор ва топшириқларнинг ижроси маҳаллаларда қандай бажарилаётганини ўрганиш, ҳонадонларда бўлиб, аҳолини қийнаётган муаммоларни жойига қиққан ҳолда эшитиш ва уларга амалий ечим топишга кўмаклашишдан иборат. Шу мақсадда маҳаллалардаги учрашувларимиз давомида тадбиркорлиқни ривожлантириш, коммунал инфратузилмани яхшилаш, ижтимоий хизматлар сифатини ошириш, маҳаллаларни ободонлаштириш каби масалалар юзасидан кўтарилаётган ҳар бир муносабат атрофида ўрганилмоқда. Одамларни йўлантираётган муаммоларни фақат қайд этиш билан чекланмасдан, уларнинг ечимини қўйишга қўйилган тақдирда бўлиб, “маҳалла етти-лиги” фаолияти, ижтимоий аҳоли оғир ҳонадонлар билан ишлаш тизими ҳамда аҳоли муносабатлари билан фуқароларда юзага келган саволларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Депутат давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилган тақдирда мулкдорларнинг ҳуқуқлари қонун билан ишончли ҳимоя қилиниши, компенсация тўлаш тегили қийматли турархой билан таъминлаш асосида амалдаги қонунчилик асосида амалга оширилиши ҳақида ба-тафсил ўқитди.

Хусусан, III ғуруҳ ногиронлиги бўлган, кам таъминланган фуқаро Мавлуда Одилованинг ижтимоий ҳолати ўрганилди. Маҳалла масъулларига мазкур оиланинг ижтимоий ҳолатини доимий назоратда олиш, эҳтиёжларини мунтазам ўрганиб бориш бўйича тавсиялар берилди.

Учрашувлар давомида ҳудудда амалга оширилиши режа-лаштирилаётган қурилиш ишлари муносабати билан фуқароларда юзага келган саволларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Депутат давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилган тақдирда мулкдорларнинг ҳуқуқлари қонун билан ишончли ҳимоя қилиниши, компенсация тўлаш тегили қийматли турархой билан таъминлаш асосида амалдаги қонунчилик асосида амалга оширилиши ҳақида ба-тафсил ўқитди.

Халқ вакиллари дастлаб Қорақалпоғистон Республикаси, Шуманай туманидаги “Моншақли” ОФЙда аҳоли билан очик мулоқот қилди. Учрашу-вда Президентимиз томонидан белгиланган устувор вазифа-лар, хусусан, маҳаллаларда “Долзарб 40 кунлик” доираси-да амалга оширилаётган иш-лар, бандлиқни таъминлаш, му-ҳандислик-коммуникация тар-моқларидаги муаммоларни бартараф этиш, тадбиркорлик-ни қўллаб-қувватлаш ҳамда

аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мазмун-моҳияти тушунтирилди.

Шундан сўнг депутатлар ту-мандаги кичик саноат зонаси-да фаолият юритаётган тадбир-корлар ҳамда ёшлар билан уч-рашди. Сўхбатда ишлаб чи-қаришни кенгайтириш, экспорт ҳажминини ошириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ва давлат томонидан яратилаётган имкониятлардан самарали фой-даланиш масалалари муҳокама қилинди. Тадбиркорлар томо-нидан кўтарилган айрим муам-молар юзасидан тегишли таш-килотларга депутатлик сўровла-ри юборилиши белгиланди.

Ўрганишлар давомида ма-ҳаллада электр таъминоти, ичимлик суви, ички йўллар ҳамда аҳоли бандлиги билан боғлиқ масалалар ҳам таҳлил қилинди. Аниқланган камчилик-ларни бартараф этиш бўйича масъул идоралар ва маҳаллий ҳокимлик вакиллари иштироки-да амалий чоралар белгилан-олинди.

Абдулло АСЛАНОВ,

депутат: — Видеоселектор йиғилиши-да бугунги мураккаб иқтисодий шароитда ҳар бир раҳбар ама-лий натижа билан ишлаши ке-рклиги алоҳида таъкидланди. Давлат томонидан тадбиркор-лиқни ривожлантириш, иш

ўринлари очиш ва аҳоли даромадини ошириш учун барча зарур имкониятлар яратилмоқ-да. Белгилаб

берилган вазифаларнинг маз-мун-моҳиятини ҳар бир фуқа-ро ва тадбиркорга тушунти-риш, уларнинг тақлиф ва му-аммоларини эшитиш, масъул идоралар билан бир-галикда ечим топишга эриша-миз. Бу орқали давлат сиёса-тининг ҳар бир маҳалла ва оила ҳаётидаги амалий сама-расини таъминлашга ҳисса қўшамиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудлардаги учрашувлари да-вом этмоқда.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT «АЛОҚАБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМЙ ЙИГИЛИШНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Сизни 2026 йил 14 август кунин соат 10:00 да “Evote.uz” электрон овоз бериш хизмати орқали масофадан ўтказиладиган “Алоқабанк” АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига тақлиф этамиз.

Умумий йиғилишда масофадан туриб иштирок этиш ва кун тартибига киритилган масалаларга овоз бериш “Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysi” АЖНинг “http://evote.uz” электрон овоз бериш хизмати орқали таъминланади. Акциядорлар платформадан фойдаланиш учун электрон рақамли имзо калити (ЭРИ) билан идентификациядан ўтишлари лозим (платформадан фойдаланиш бўйича Марказий депозитарий телефон рақами: +998 71-211-09-09).

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

- “Алоқабанк” АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
- “Алоқабанк” АТБнинг 2026 йил иш фаолияти бўйича ярим йиллик ҳамда йиллик молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МХХС)га мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларини аудитдан ўтказиб, ҳулоса тайёрлаш хизматини танлаш юзасидан ўтказилган харид натижаларига кўра

голиб деб топилган аудиторлик ташкилотини белгилаш ва у билан шартнома тузиш;

“Алоқабанк” АТБ Кузатув кенгаши йиғилишининг 2026 йил 23 июлдаги қарорига асосан:

- акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун реестр-ни шакллантириш санаси: **2026 йил 23 июль**;
- мазкур умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ре-

естри тузиладиган сана: **2026 йил 10 август**.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш интернет тизими орқали электрон овоз бериш хизматидан (<http://evote.uz>) фойдаланган ҳолда **2026 йил 14 август соат 09:00 дан 10:00 гача** амалга оширилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига оид ҳужжатлар ҳамда кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тайёрланган маълумотлар билан “<http://evote.uz>” электрон саҳифаси орқали танишиш ёки “info@aloqabank.uz” электрон манзили орқали сўров юбори-шингиз мумкин. Маълумот учун телефон: +998 71-232-83-67.

ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ ВА ЁШЛАР — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ



Тадбирда фан ва таълим йўналишида таълим сифати халқаро стандартлар асосида оширилаётгани, илмий тадқиқотлар самарадорлиги юксалтирилаётгани, инновацион иқтисодиёт учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш борасида ишлар тизимли амалга оширилаётгани қайд этилди. Шунингдек, давлат томонидан илмий лойиҳалар қўллаб-қувватланиши, техно-логик парклар, бизнес-инкубаторлар ва инновация марказлари фаолияти кенгаётгани таъкидланди.

Мактабгача ва мактаб таълимида замонавий таълим стандартлари, рақамли таълим ресурслари ҳамда компетен-циявий ёндашув босқичма-босқич жорий этилмоқда. Педагогларни муносиб рағбатлантириш, уларнинг малакасини ошириш ва таълим сифатини монито-ринг қилиш тизими такомиллашиб бо-раётгани қайд этилди.

Ёшлар сиёсати доирасида эса ёшларнинг билим олиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши, инновацион гоёла-рини амалда рўёбга чиқариши ҳамда меҳнат бозорига интеграциясини таъ-минлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар давом эттирилаётгани маъ-лум қилинди. “Янги Ўзбекистон ёшла-ри — 2030” стратегиясида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожланти-риш, ижтимоий фаоллигини ошириш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ус-тувор вазифалар экани алоҳида урғу-ланди.

Спорт соҳасида оммавий спортни ривожлантириш, олимпия ва паралим-пия ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, спорт мактаблари фаолиятини тако-миллаштириш ҳамда иқтидорли спорт-чиларни саралашнинг янги механизм-лари татбиқ этилмоқда. Маҳаллаларда жисмоний фаоллиқни қучайтириш, спорт тадбирларини қўллайтиришга қаратилган янги тизим шаклланаётга-ни айтилди. Айниқса, спортчиларимиз-нинг халқаро майдонлардаги юқори на-тижалари, жумладан, Ўзбекистон мил-лий футбол терма жамоасининг тарих-да илк бор жаҳон чемпионати йўллан-масини қўлга киритгани амалга оши-рилаётган ишлар самараси сифатида эътироф этилди.

Маданият соҳасида миллий маданий меросни асраш, маданият муассасала-рини модернизация қилиш, музейлар, театрлар, кутубхоналар ва маданий марказлари фаолиятини замонавий талаблар асосида ташкил этишга ало-ҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий санъат ва маданиятни халқаро миқёс-да тарғиб қилиш, маданий туризмни ри-вожлантириш, ижодкорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар из-чил давом эттириляпти.

Муҳокама чоғида таълим тизимини халқаро стандартлар асосида янада та-комиллаштириш, таълим жараёнига сунъий интеллект ва рақамли техноло-гияларни кенг жорий этиш, илм-фанни иқтисодиётнинг драйверига айланти-риш, илмий ишланмаларни тижорат-лаштириш, ёшлар бандлигини таъмин-лаш, стартап ва инновацион ташаббус-ларни қўллаб-қувватлаш, спорт инфра-тузилмасини ривожлантириш, маданий мерос объектларини рақамлаштириш ҳамда миллий маданиятимизнинг халқ-аро нуфузини юксалтириш устувор йўналишлари сифатида белгилаб ўтилди.

Шунингдек, депутатлар томонидан давлат сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаш-тириш, қонунчиликни амалиёт талаб-ларига мослаштириш ва парламент назо-рати самарадорлигини ошириш бўйича қатор тақлифлар илгари сурилди.

Давра сўхбати якунида билдирилган тақлифлар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Ушбу соҳаларда амал-га оширилаётган ислохотларнинг изчил-лиги ва самарадорлигини таъминлашга қаратилган келгуси вазифалар ҳам бел-гиланди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитасининг раиси Г. Агзамовага волидан муҳтарамаси
Насибхон МАДРАҲИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этилди.

Бугун Наманган шаҳрида қўл жангид бўйича профессионал спортчилар ўртасида “Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги” чемпионлар лигаси халқаро турнири бўлиб ўтади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 19 626 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.08 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6